

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ахмедова Маърифат Абдуллаевна**

**Тафаккур тараққиёти тарихида xix аср хоразм мутафаккирлари  
ижтимоий-ахлоқий қарашлари**

**09.00.03 - фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Ахмедова Маърифат Абдуллаевна**

Тафаккур тараққиёти тарихида XIX асрда Хоразм мутафаккирлари ижтимоий-ахлоқий қарашлари .....	3
--	---

**Ахмедова Маърифат Абдуллаевна**

Социально-нравственные взгляды мыслителей Хорезма XIX века в истории развития познания.....	19
--	----

**Akhmedova Marifat Abdullayevna**

Social and moral views of the thinkers of Khorezm of the XIX century in the history of the development of knowledge.....	35
---	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works .....	39
--	----

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**АХМЕДОВА МАЪРИФАТ АБДУЛЛАЕВНА**

**ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДА XIX АСР ХОРАЗМ  
МУТАФАККИРЛАРИ ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ**

**09.00.03 - фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fal160 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Отамуротов Садулла Отамуротович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Наврўзова Гулчехра Негматовна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Махмудова Гули Тилабовна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпок Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақами Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_-раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 20\_\_йил «\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ рақами реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, фалсафа  
доктори (PhD), фалс.ф.б.

**Қ.Н.Назаров**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги глобаллашув шароитида ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган деструктив омилларни бартараф этишда гуманистик ғоялардан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ҳам инсоният маънавий ҳаётидаги туб ўзгаришлар янги ғоявий-фалсафий парадигмаларни яратиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Жаҳон цивилизациясида муҳим ўрин тутган алломаларнинг замонавий муаммолар ечими сифатидаги концептуал ғоялари бугунги қунда тараққиётга тўсқинлик қилаётган салбий иллатларнинг олдини олишга, уларга қарши маънавий курашни илмий асослашга хизмат қилмоқда. Айни шу маънода, мутафаккирларнинг асарларидағи шахслараро мuloқot, миллатлараро тотувликка оид ёндашувларни янги илмий мезонлар асосида тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳон фалсафий-тарихий тараққиётида юзага келган деформацион омилларнинг олдини олишда мутафаккирларнинг маънавий меросини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муаммоси юзага келди. Илмий жиҳатдан такомиллашиб бораётган диний-фалсафий йўналишда аждодлар қолдирган илмий, тарихий, фалсафий манбаларидан унумли фойдаланиш жаҳон илм-фани марказида турган долзарб масалага айланди. Зеро, буюк мутафаккирлар қолдирган бой маънавий мерос илм-фан тараққиёти ва маданиятлараро мuloқotнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир қилсада, аммо баъзи мамлакатларда ҳалқ маърифати, диний-фалсафий ва илмий меросининг конструктив имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу эса ўз навбатида, инсоният тафаккур тараққиётида мутафаккирларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини тадқиқ этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг мустақил дунёқарашини шакллантириш ва уларни турли ёт ғоялардан сақлашнинг муҳим субъектив омили бўлган буюк мутафаккирларнинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг ғоявий-фалсафий хусусиятларини тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш бугунги қуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун «биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан олганда, республикамизда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарасини ошириш ва бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда XIX аср Хоразм мутафаккирларининг ижтимоий-ахлоқий қарашларини ўрганиш объектив зарурат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутки. // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).

2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, илмий-педагогик фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XIX аср Хоразм мутафаккирларининг илмий-маърифий мероси фуқароларни айниқса, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтиришда муҳим тарбиявий ўринга эгадир. Шу боис ҳам Хоразм мутафаккирлари маънавий меросини ўрганиш айrim хориж олимларининг дикқат марказида бўлиб келган. Хусусан, бу борада Е.Э.Бертельс, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад каби олим ва шоирларнинг бадиий ижодини Европа адабиёти билан қиёсий таҳлил қилганлар ҳамда уларнинг ижодига тасаввуфнинг таъсирини ўрганганлар. XIX аср Хоразм мутафаккирларини Европа шарқшуносларига таништиришда А.Вамберининг хизматлари катта бўлди ва бу ишларни А.С.Самойлович, Э.Ю.Брегель, М.Ф.Куприлизода давом эттирилдилар.

МДҲ мамлакатлари олимларидан рус шарқшунос олимлари В.В.Бартольд, З.Геюшев<sup>1</sup>, П.П.Иванов, Е.А.Килевейн, А.Л.Кунлар мавзуга оид турли йўналишда тадқиқот олиб борганлар. Бугунги кунда МДҲ мамлакатларида Хоразм шоирларининг ижодига қизиқиш янада ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда XIX аср Хоразм мутафаккирларининг ҳаёти, илмий мероси ва диний-фалсафий фикрларини, инсонпарвар ғояларининг бадиий ва маърифатпарварлик жиҳатларини ўрганиш, қўлёзма нусхаларни ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фондида, турли баёз ва мухаммаслар тўпламларида ўрганиш бўйича В.Абдуллаев, Т.Аҳмедов, В.Зоҳидов, М.И.Йўлдошев, А.Муродов, Ж.Шарипов, С.Хасановлар ўрганган бўлса, унинг ахлоқий-маънавий ва фалсафий жиҳатларини ўрганишда У.Досчанова<sup>2</sup>, В.Йўлдошев, Н.Комилов, Р.Мажидий, М.Матёқубова, Т.Матёқубова, Қ.Муниров, Б.Отабоев, А.Пиримқулов, В.Раҳмонов, М.Салаева<sup>3</sup>, В.А.Султонова, М.Сафарбоев, Қ.Султонова, Г.Холлиева, Ж.Шарипов, Ф.Ғанихўжаев, Я.Ғ.Ғуломовлар томонидан тадқиқ этилган.

<sup>1</sup> Геюшев З. Этические взгляды восточных мыслителей (перипатетиков). – Баку, 1982.

<sup>2</sup> Досчанова У. XIX аср Хоразм мутафаккирларининг дунёкарашида гуманистик ғоялар. Фалс.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.: 2011. – 24 бет.

<sup>3</sup> Салаева М. Оғаҳийнинг маърифий-педагогик қарашлари. Пед.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.: 1999. – 17 бет.

Бугунги ўзгаришлар шароитида Хоразм мутафаккирларининг улкан фалсафий мероси турли соҳа олимлари томонидан ўрганилаётган бўлса ҳам, танланган тадқиқот мавзуси тарихий-фалсафий жиҳатдан маҳсус тизимли тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XIX асрда Хоразмда яшаб ижод этган мутафаккирлар илмий-маънавий меросининг миллий тикланишда ва ёшлар тарбиясидаги маънавий-маърифий ва ижтимоий-ахлоқий ўрнини асослаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XIX аср Хива хонлигидаги иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг маданият ва илм-фанга таъсирини очиб бериш;

ижтимоий-ахлоқий фикрларни тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асосларини ёритиш;

мутафаккирлар дунёқарашининг ғоявий манбалари ва фалсафий асосларини кўрсатиш;

XIX асрдаги ижтимоий-ахлоқий фикр ва илмий маърифатчилик ғояларининг муҳим хусусиятларини илмий асослаш;

маърифатпарварларнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини тадқиқ этиш;

мутафаккирлар нафс ва уни тарбиялаш йўллари ҳақидаги фикрларининг моҳиятини очиб бериш;

маърифатпарварлар дунёқарашидаги яхшилик ва ёмонлик категориясининг моҳиятини таҳлил қилиш;

ижтимоий-ахлоқий фикрларнинг гуманистик мазмунини ёритиш;

шоирлар илмий-маърифий, ижтимоий қарашларини ҳозирги вақтда миллий маънавий тараққиёт хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ва баркамол инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқот обьекти** XIX аср Хоразм мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий, илмий-маърифий ва ахлоқий-маънавий мерослари.

**Тадқиқот предметини** XIX аср Хоразм мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-маънавий мероси моҳияти ҳамда уларнинг ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ретроспектив ва тизимли таҳлил, герменевтик ёндашув, ворисийлик, анализ ва синтез, қиёсий ўрганиш, обьективлик, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги, кузатув каби илмий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

XIX аср Хоразм мутафаккирлари асарларида илгари сурилган одамийлик, меҳр-муруват, саҳоват, ижтимоий ёрдам сингари гуманистик

ғояларининг конструктив (бунёдкорлик) аҳамияти маънавий-тарбиявий жараёнларнинг кучайишига сабаб бўлганлиги мантиқий асослаб берилган;

жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи маданият деформацияси(қадрсизланиши)ни бартараф қилишда XIX аср Хоразм мутафаккирларининг диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, маданиятлараро мулоқот каби секуляристик ғояларидан фойдаланиш зарурлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

XIX аср Хоразм мутафаккирларининг ахлоқий-эстетик, диний-тасаввуфий, маънавий-маърифий ҳамда илмий-дидактик қарашлари замонавий ахлоқий тарбияни шакллантиришда муҳим омил эканлиги фалсафанинг атрибутив категориялари воситасида далилланган;

XIX аср Хоразм мутафаккирларининг маънавий меросидаги хурфиқрлилик, диний-маърифий, маданиятлараро мулоқот интеграцияси каби концепциялари миллий ва диний мансубликка қараб эмас, балки барча халқларга нисбатан диний ва маданий толерантликка асосланганлиги исботлаб берилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

XIX аср Хоразм мутафаккирлари асарларида илгари сурилган инсонпарварлик, маънавий баркамолликка эришиш, “ўз-ўзини таҳлил қилиш” ва “ўз-ўзини тарбиялаш” каби конфликтологик методларини ижтимоий институтлар фаолиятига жорий этиш мумкинлиги асослаб берилган;

XIX аср Хоразм мутафаккирларининг маънавий меросидан ижтимоий фанлар, хусусан фалсафа, диншунослик, маънавият асослари каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланилган;

XIX аср Хоразм мутафаккирлари “ахлоқ” тушунчасининг эмпирик ва назарий даражалари, классик ва замонавий таърифлари, рационал, ирроционал шакллари конкретлаштирилган;

XIX аср Хоразм мутафаккирларининг илмий-маърифий ва маънавий-ахлоқий ғояларидан таълим-тарбия ва ижтимоий амалиётда кенг фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАҚ руйхатидаги маҳсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, рисола, хуроса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** XIX аср Хоразм мутафаккирлари ижодий-маънавий меросини жамиятга, хусусан ёшларга ахлоқий қарашларини тарғиб қилиш, таълимий-тарбиявий, маънавий-маърифий, диний-фалсафий ғояларини етказиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган қатор тушунчалар фалсафа тарихи соҳасидаги амалий тадқиқотлар учун

илмий-услубий асос бўла олади. Ушбу тадқиқот материаларидан келгусида илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятда ҳамда фалсафа тарихи, ахлоқшунослик, педагогика, диншунослик фанларидан дарс беришда, маънавият ва миллий ғоя бўйича ўқитиладиган маъruzalardan ҳамда мутафаккирларнинг маънавий мероси билан қизиқувчилар учун тарғиботташвиқот ишларини олиб боришда қўлланилади, шунингдек, ўқув фанлари дарсларида дастурлар ишлаб чиқишида мазкур тадқиқот материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX аср Хоразм мутафаккирлари ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳақидаги таълимотнинг илмий-фалсафий асосларини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

мутафаккирларнинг одамийлик, жамиятни инсонпарварлаштириш, бевабечора ва муҳтоҷларга ёрдам тўғрисидаги фикрлари ёшларимизда миллий қадриятларимизга бўлган эътиборни кучайтиришга ва уларни бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш хусусидаги таклифлардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти Кенгашининг 2018 йилга мўлжалланган иш режасининг қатор бандларида фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 19 апрелдаги 04-13/2140-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида, ёшларимизнинг миллий қадриятларимизга бўлган эътиборни янада кучайтиришга ҳамда бу борадаги билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилган;

жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи деструктив (бузғунчи) омилларни бартараф қилишда Хоразм мутафаккирларининг секуляристик ғояларидан фойдаланиш зарурлиги илмий асосланган фикр мулоҳазалари ва таклиф-тавсияларидан Хоразм вилояти ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар мажмуасининг 2019 йил иш режасининг 1-бўлим 7-банди ва 2-бўлим 16 – бандларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти ҳокими маҳкамаси 2019 йил 25 январдаги 4-343-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ўсиб келаётган баркамол авлоднинг маънавий-ахлоқий қарашларининг юксалишига ва ички туризмнинг ривожланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси** тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 19 та илмий-амалий конференцияларда маъруза шаклида баён этилиб, ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Муаммо бўйича ОАК рўйхатидаги маҳсус журналларда 10 та мақола (шулардан 8 та республика ва 2 та хорижий журналларда) 1 та монография, 1 та рисола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 160 бетни ташкил қиласиди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш мавзунинг долзарбилиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, обьекти, предмети, усуллари, мақсади ва вазифалари ёритилган. Натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертацияниг “*Ижтимоий-ахлоқий фикр равнақининг муҳим омиллари ва назарий методологик жиҳатлари*” деб номланган **бириччи бобида** ва унда мазкур тушунча фалсафа тарихи категориялари призмаси орқали тадқиқ қилинган.

XIX аср Хоразм ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий фикри Шўролар даври адабиётларида нохолис талқин қилиниб, сохталашиб талқин қилинганилиги таъкидланади. Дарҳақиқат, ўша давр илмий тадқиқотларида маърифатчилик ва ижтимоий-ахлоқий фикрни ёритишда бир ёқламалик ва синфиёй ёндашув устуворлик қиласди.

Шунингдек, XIX асрдаги илмий-маърифий ва ижтимоий-ахлоқий фикр ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, қонуният ва тамойиллари таҳлил этилади.

Ҳозирги вақтда замонавий услубларни қўллаб, ўша давр мутафаккирларининг дунёқарашини илмий, ижтимоий-ахлоқий меросини холислик асосида таҳлил қилиш, тарихийлик, мантиқийлик, диалектика, синергетика, ворисийлик, анализ, синтез ва бошқа замонавий мезонларни қўллаш зарурати туғилмоқда. Айниқса, синергетик услуг обьектив дунёнинг эволюцион тараққиётини тушунишда, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи ва ноцизиқли ривожланувчи тизимларни тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Булардан ташқари, ўша даврдаги сиёсий вазият ва унинг маданият, илм-фанга салбий таъсири ишонарли тарихий фактлар асосида очиб берилади. Айниқса, бу даврда Хоразмни Русия томонидан босиб олиниши, рус босқинчиларининг олиб борган қирғинбарот урушлари, хунрезликлари, халқни аямасдан қирғанликлари мавжуд тарихий манбалар асосида ёритиб берилган. Гарчи бу босқинчилик урушлари маданият, илм-фан, санъатнинг турли соҳаларини тараққий этишига ҳалақит берган бўлса-да, унинг ривожини тамоман тўхтата олмади. Оғир шароитга қарамасдан, воҳада машхур адиблар, санъаткорлар, шоирлар, илм-фан намояндадарининг катта гурухи этишиб чиқди. Бобда Мунис, Огаҳий, Баёний, Комил Хоразмий, Табибий ва Аваз Ўтарнинг ҳаёти, ижодий мероси, маърифатчилик ва маънавий-ахлоқий фикр ривожига қўшган улкан ҳиссаси кўрсатиб берилган. Улар адолат, иффат, донолик, ақл-заковат, яхшилик ва эзгулик, камтарлик, мардлик, ватанпарварлик, таълим-тарбия ва бошқа ахлоқий фазилат, хулқодоб қоидалари ҳақидаги ғоялари илгари сурилган. Тадқиқотчининг фикрига кура, Хоразм мутафаккирларининг илм, маърифат ва ахлоқ тўғрисидаги қарашлари бир тизимга келтирилмаган, турли жанрлардаги шеърларида

тарқоқ ҳолда берилган деб таъкидлайди. Мутафаккирларниadolat, иффат, донолик, ақл-заковат, яхшилик ва эзгулик, камтарлик, мардлик, ватанпарварлик, таълим-тарбия ва бошқа ахлоқий фазилат, хулқ-одоб қоидалари ҳақида ҳам тадқиқотда фикр юритилган. Диссертацияда, Мұхаммад Раҳим соний давлат тепасига келгач, Хоразм ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти тараққий қилған. Хонликда катта ўзгаришлар рўй берган. Хива хонлиги марказлашган хонликка айланган. Қатор мадраса ва масжидлар қурилади, савдо-сотик ривожланиш билан бир қаторда почта, телеграф, касалхона рус-тузем мактаблари ва литография ташкил қилинган. Бинобарин, бу даврга келиб, миллий меъморчилик санъати ҳам равнақ топган. Иқтисодий ҳаётни фаровонлаштиришда ҳам бирмунча янгиликлар қўлга киритилган яъни янги суғориш иншоотлари барпо этилиб, минглаб беватанлар ватанли бўлган. Феруз даврида мамлакат обод бўлиб,adolatпарварлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик қарор топган.

XIX аср Хоразм мутафаккирларининг назмий асарларида исломнинг илм-фан ҳақидаги, инсонпарварлик ғоялари, тасаввуфдаги покланиш, меҳнат қилиш, бойликка ружу қўймаслик, ирода эркинлиги, нафсни тийиш, Аллоҳ васлига етиш тўғрисидаги фикрлар ўз аксини топди. Яъни, бу даврда ислом ва тасаввуфга янгича тафаккур асосида қараш вужудга келди, улардаги миллий ва умуминсоний қадриятлар, ахлоқий ва гуманистик жиҳатлар холисона талқин қилина бошланди. Айни вақтда шоирлар асарларида баъзи диний дормаларга танқидий қараш, ҳурфикрлилик, таркидунёчилик, пассив ҳаёт кечириш, руҳонийларнинг ислом динига зид ҳатти-харакатларини қоралаш кўзга ташланади.

Диссертант таъкидлашича, Феруз саройда катта адабий муҳит яратиб, юзга яқин девон ва баёзларнинг яратилишига бошчилик ва ҳомийлик қилған. «Хоразмда баёзчиликнинг кенг тараққий этилиши натижасида «Баёзи мусаддасот», «Баёзи мажмуаи ашъор», «Баёзи мухаммасот» ва «Баёзи ашъор» каби баёзлар вужудга келди. Бу баёзлар ўзининг композицияси, шеърларининг ғоявий мазмуни, китобат услуби ҳамда ҳусниҳати билан алоҳида ажралиб туради. XIX аср шоирларининг назмий асарларида исломнинг илм-фан ҳақидаги ғоялари, ундаги етим-есирлар ва муҳтожларга ёрдам бериш,adolat ва эзгулик тўғрисидаги фикрлари, тасаввуфдаги покланиш, меҳнат қилиш, бойликка ружу қўймаслик, ирода эркинлиги, нафсни тийиш, Аллоҳ васлига етиш тўғрисидаги фикрлар ўз аксини топган. Яъни, бу даврда ислом ва тасаввуфга янгича тафаккур асосида қараш вужудга келган, улардаги миллий ва умуминсоний қадриятлар, ахлоқий ва гуманистик жиҳатлар холисона талқин қилина бошланганлиги кўрсатилиб берилилган. Айни вақтда шоирлар асарлари баъзи диний дормаларга танқидий қараш, ҳурфикрлилик, таркидунёчилик, пассив ҳаёт кечириш, руҳонийларнинг ислом динига зид ҳатти-харакатларини қоралаш кўзга ташланиши таҳлил этилган. Мутафаккирларнинг ҳаёти мураккаб даврда кечган бўлишига қарамай улар ўз ижодида илғор гуманистик ғояларни тарғиб қилдилар ва Хива хонлигига маданий тараққиётга улкан ҳисса қўшадилар. Шунингдек, улар маҳсус фалсафий асарлар ёзмаган бўлсаларда,

Шарқ адабиёти анъаналарига содик қолган ҳолда ўз ижодларида бадий адабиётнинг кенг тарқалган жанрларида ижод этиб, бу адабий жанрлар тараққиётiga ўз ҳиссаларини қўшадилар ва унда замонасининг ижтимоий ахлоқий ва фалсафий муаммоларини қўтариб чиқадилар.

Диссертациянинг “*XIX аср Хоразм мутафаккирларининг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ривожланиши жараёни*” деб номланган *иккинчи бобида* уларнинг тарихий-фалсафий ва ахлоқий характерга эга бўлган қарашларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

XIX асрда яшаб ижод этган маърифатпарварларнинг дунёқараси, борлиқни ислом дини ва тасаввуф таълимоти нуктаи назаридан талқин қилинганлиги асослаб берилган. Улар ўзларининг маърифий ва маънавий-ахлоқий қарашларида ислом дини, ҳадислар, яссавийлик, кубравийлик, нақшбандийлик сулукларига таяниб, дунё Аллоҳ томонидан яратилган, у агадийдир, деган фикр тарафдори бўлганлиги, улар дунё зиддиятларга тўлалигини, ундаги нарса ва ашёлар бир-бири билан диалектик боғлиқда эканлигини, сабабсиз нарса йўқлигини таъкидладилар. Ушбу бобда маърифатпарварларнинг фалсафий қарашлари мусулмон Шарқида кенг тарқалган ваҳдат ул-вужуд таълимотига асосланганлиги, Худо, борлиқ ва инсоннинг бирлиги, уларнинг дунёқараси, динга муносабати қиёсий ўрганилади. Мазкур бобда XIX аср маърифатпарварларининг маърифатчилик қарашларига кенг ўрин берилган. Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний, Табибий, ва бошқаларнинг илм-фан, мактаб, мадрасаларда болаларни ўқитиш, халқни ёппасига саводли қилиш тўғрисидаги қимматли фикрларининг моҳият ва мазмуни, уларнинг назмий ва насрый асарлари ва тарихий манбаларни ўрганиш орқали очиб берилади. Бобда, айниқса, Ферузнинг хукмдорлиги даврида илм-фан, маърифатчилик, санъат ва адабиётга катта эътибор берилганлиги фактик материаллар орқали асослаб берилади.

Мазкур бобда Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий ва бошқаларнинг илм-фан ва маърифатчилкни мамлакат фаровонлиги, жамиятнинг тараққиёт этишида ўрни бекиёс эканлиги муфассал ва чуқур баён қилинади, уларнинг мамлакатни асрий қолоқликдан халос қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари, қарашлари, фикрлари келтирилади.

Шунингдек, ишда маърифатпарварларнинг бой-зодагонларнинг нодонлиги, жаҳолат ботқоғига ботганлиги, илм-фанни қадрига етмаслиги, саводсизлиги тўғрисидаги фикрлари таҳлил килинади, уларнинг халқ орасидаги жоҳилликни йўқотиш йўллари ҳақидаги қарашлари қараб чиқилиб, илм-фанни тарғиб ва ташвиқ қилиш билан жаҳонга танилиш мумкинлиги ҳақида айтган сўzlари тадқиқ қилинади.

XIX аср Хоразм мутафаккирларининг қарашларидаги энг муҳим жиҳат шунда бўлганки, улар нафақат ўзлари яшаган даврда мавжуд бўлган ижтимоий-ахлоқий қоида, норма ва тарбияларнинг тараққиётга тўсик бўлганликларини кўрабилганлар, шунинг билан бирга улардан халос бўлиш ҳақидаги ва истиқболни таъминлаш имкониятларини ҳам кўрсатиб берганлар. Уларнинг қарашларини ўзлари билан замондош бўлган Кўқон

хонлигига яшаб ижод этган маърифатпарвар қарашлари билан қиёсий таҳлил қилас эканмиз, уларнинг ўзаро уйғун, бири бирини тўлғазган ғоялар билан ривожлантирганлигини қўрамиз. Хусусан, Кўқон хонлиги даврида яшаб ижод этган маърифатпарвар шоирлар Фурқат, Муқимий, Завқийларнинг маърифатпарварлик қарашлари шу билан фарқ қиласди-ки, Хоразмда ижод қилган Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Табибий ва бошқалар илм-фан ва умуман маърифатчилик тўғрисидаги қарашларида илм-фан ва уни халқ онгига сингдериш ҳақида фикр юритиб, нодонлик ва жаҳолатни қоралаб, уларни бартараф қилиш ҳақида гапирдилар. Фурқат, Муқимий, Завқий ва бошқаларнинг маърифатчилик ғоялари демократик ғояларга бой бўлиб, илмнинг конкрет муаммоларига бағишиланган бўлиб, маориф ва илм-фанинг муайян соҳаларига ёки муайян илм билан шуғулланувчи шахсларга бағишиланганлиги билан фарқ қиласди. Айниқса, бу борада Фурқатнинг илмий-маърифий қарашлари бошқалардан ажралиб туради. У айниқса Аваз Ўтар, Завқий, Муқимий ва бошқаларга нисбатан фарқ қилиб, замонавий илм-фанин жамият тараққиёти учун фойдаси улкан эканлигини, илм орқали бунёдкорлик ишларини амалга ошириш мумкинлигига чуқур ишонади.

XIX асрда яшаб ижод этган Хоразм шоирларининг илмий-маърифий ва ижтимоий-ахлоқий қарашларига уларнинг Шарқдаги салафлари – Муҳаммад Хоразмий, Беруний, Форобий, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Саъдий Шерозий, Низомиддин Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мирзо Бедил ва бошқаларнинг назмий ва насрый асарлари катта таъсир кўрсатди. Улар дунёқарашининг камолга етишида тасаввуф фалсафаси, хусусан яссавийлик, кубровийлик ва нақшбандийлик сулуқидаги диний-ирфоний, ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик қарашлар ғоявий манба бўлиб хизмат қилди.

XIX асрда яшаб ижод этган шоирлар ислом дини ва тасаввуфдаги гуманистик, ижтимоий-ахлоқий ғояларни янада ривожлантирган ва омма орасида ташвиқ қилган ҳолда диннинг айrim ақидаларига танқидий ёндашувлар, уларнинг ҳурфикрлилик ва антиклерикал ғоялари динга тўғри келмайдиган кирдикорларни фош қилишга ёрдам берди. Қолаверса ҳозирги вақтда турли ақидапарастлар, хурофчилар, фундаменталистлар диндан ўз сиёсий мақсадида фойдаланиб, унинг моҳияти ва мазмунини бузиб кўрсатмоқдалар. Шу нуқтаи назардан қараганда, шоирларнинг антиклерикал қарашлари ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмасдан келмоқда.

Ушбу бобда кўтарилиган яна бир янги фикр бу - Хоразм шоирларининг маърифатчилик ғоялари бу ўлкадаги жадидчилик ҳаракатига катта таъсири ҳақидаги илгари сурилган фикрdir.

Диссертацияни учинчи боби “*XIX аср Хоразм мутафаккирларининг ижтимоий-ахлоқий қарашларининг умуммиллий тикланишдаги ўрни*” деб номланади. Ушбу бобда, Марказий Осиё халқлари азалдан ахлоқ қоидаларига амал қилиб келганлар. Ахлоқ ҳақидаги маълумотлар халқ оғзаки ижодида, ёзма мабаларда, хусусан, Зардуштийлик динининг китоби “Авесто”да, турли пандномаларда, тарих ва адабиётда, насрый ва назмий рисолаларда, фалсафа, этикага бағишиланган асарларда ўз аксини топган.

Ахлоқ тараққиётининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у бир текисда ривожланмаган. Қадимдан то бизнинг давримизгача ахлоқий тушунча, тамойил ва қоидалар диалектик тарзда, қарама-қаршилик, зиддиятларга учраб олдинга қараб ҳаракат қилган. Энди кишилар ўртасидаги ахлоқий муносабатларга келсак, улар ўзгарувчан характерга эга бўлган. Даврнинг ўзгариши, бир тузумнинг иккинчи тузум билан алмашинуви, ҳукмдорларнинг давлатни бошқариш услуби кишилараро алоқаларда, уларнинг ҳатти-ҳаракати, ҳулқ-одобига ҳам катта ўзгаришлар олиб келган. Ахлоқий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб яхшилик ва ёмонлик,adolat ва адолатсизлик ҳамда бошқа ахлоқий категориялар хизмат қилган. Ўрта асрларда Абу Наср Форобийнинг “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Фуқаролик сиёсати”, “Ҳикмат маънолари”, “Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари”, Ибн Синонинг “Ахлоқ илми”, “Китоб ал-инсоф”, “Донишнома”, “Китоб ул-ишорот ва танбеҳот” (Ишоралар ва насиҳатлар китоби), Берунийнинг “Ҳиндистон” ва бошқа китобларда ахлоқ масалалари тарихий-фалсафий ёндашув асосида таҳлил қилинган.

XIX асрда Хива хонлигига ахлоқ ва ҳулқ-одоб қоидалари тўғрисида маҳсус ёзилган илмий-тадқиқот ишлари учрамайди. У ердаги мактаб ва мадрасаларда ўрта асрларда битилган Насриддин Тусийнинг “Ахлоқи Носирий”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий”, Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқий Муҳсиний” ва бошқа асарлар қўлланма бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлайди тадқиқотчи.

Диссертантнинг фикрича, хоразмлик шоирларнинг ахлоқ ҳақидаги фикрлари яхлит ҳолда бир системага солинган ҳолда баён қилинмаган. XIX аср шоирларининг ахлоқ ва ҳулқ одоб ҳақидаги фикрлари уларнинг ғазал, рубоий, достонлари ва тарихий асарларида баён қилинганлиги билан ажралиб туради. Буни уларнинг ижодида келтирилган шеърлари таҳлили фикримизни тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг учинчи боби шоирларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ва уларнинг муҳим жиҳатларига бағишлиланган бўлиб, унда маънавий-ахлоқий фикр ривожининг ўзига хос хусусиятлари, яхшилик ва ёмонлик,adolat ва тенглик категориялари таҳлил қилинган. Хусусан мазкур бобда ахлоқ қадимдан кишилараро муносабатда пайдо бўлганлиги, унинг нисбийлиги, ўзгарувчанлиги, ривожланиш тенденцияси ва диалектикаси очиб берилган.

Шунингдек, ишда ахлоқ категорияларидан бири яхшилик ва ёмонликнинг замонлар ўзгариши билан бир-бирига ўтиб туриши, яхшилик ёмонликка, ёмонлик яхшиликка айланиши асослаб берилган. XIX асрда яшаб ижод этган Хоразм маърифатпарварларининг яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги фикрлари, уларнинг назмий ва тарихий асарларини ўрганиш орқали моҳият-мазмuni, кенг маънони англатувчи тушунча эканлиги ёритилиб берилган.

Ушбу бобда юқоридагилардан ташқари, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний, Табибий ва Аваз Ўтарнингadolat ва тенглик тўғрисидаги

фикрлари ўрганилиб, уларнинг муҳим хусусиятлари, ҳозирги замондаги аҳамияти, таълим-тарбиядаги ўрни кўрсатиб берилган.

Бобнинг аксарият қисми адолатнинг ахлоқий, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий томонларини очишга бағишлиланган. Унда адолатнинг ахлоқий жиҳати кишиларнинг бир-бирини ҳурмат қилиши, иззат-нафсиға тегмаслиги, камситмаслиги, ўзига нимани раво кўрса, бошқаларга шуни раво кўриши ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб берилади.

Мутафаккирлар инсонни оламнинг шоҳкори, олам яратилишининг бош мақсади ва бошқа яратилганлардан юқори даражада туради деб тушунадилар ҳамда уни инсон номига лойик бўлиш учун комилликка интилиши лозим деб ҳисоблайдилар. Адолатнинг давлатни бошқаришдаги ўрни, ҳукмдорларнинг фуқароларга муносабатида адолатга риоя қилиши зарурлиги ва бошқа масалалар муфассал таҳлил қилинади. Унда шоҳлар қандай инсофли, диёнатли, фозил, одил бўлиши фуқароларга раҳмдил ва меҳр-шафқатли бўлиши, адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиши кераклиги ғоялари асосланган. Шоирларнинг адолат, меҳр-мурувват, инсон эрки ва ҳуқуқи, озодлигини тасвирлаган фикрлари ёритилади. Ҳусусан, ишда Табибийнинг “Вомиқ ва Азро” достонида Вомиқ тимсоли орқали давлатни одилона бошқариш йўллари, подшоҳнинг қатъийлиги, мард ва жасурлиги, мазлумларга ёрдами, золимларни бешафқат жазолаш ҳақида илгари сурилган ғоялари келтирилган.

Маърифатпарварлар маънавий-ахлоқий қарашларининг ўзига хослиги шундаки, улар ўз фикрларини содда, равон ва кенг халқ оммасига тушунарли тилда битганлар, ахлоқ ва хулқ-одоб қоидаларининг кўпроқ амалий томонига эътибор қаратиб, ўзлари яшаган даврнинг долзарб масалаларини ёритганлар. Мутафаккирлар ўз шеърларида асосан кенг маънони англатувчи яхшилик, адолат ва уларнинг зидди бўлган ёмонлик, ёвузлик, адолатсизлик, тенгсизлик категорияларини таҳлил қилганлар. Бошқа ахлоқий категориялар бурч, орномус, баҳт, виждонни эса яхшилик ва адолатга боғлиқ ҳолда қараб, улардан келтириб чиқарганлар. Мунис, Огахий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Табибийнинг жамиятдаги салбий иллатлар тўғрисидаги қарашлари ўзининг ўткирлиги, гоҳида очиқдан-очиқ, гоҳида ҳажвий йўл билан танқид қилиши, тилининг халқ қалбига яқинлиги билан ажralиб туради.

Шунингдек, ушбу бобда Хоразм маърифатпарварлари асарларида илгари сурилган адолат тушунчасининг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий томонларини таҳлил қилинган бўлиб, унда XIX асрда меҳнаткаш халқнинг оғир турмушини енгиллаштирадиган, моддий ва маънавий манфаатига жавоб берадиган энг долзарб масалаларни ёритилганлигини кўришимиз мумкин.

## ХУЛОСА

XIX асрда Хоразм шоирлари Мунис, Огахий, Комил Хоразмий, Табибий ва Аваз Ўтарнинг маърифатпарварлик ва ижтимоий-ахлоқий қарашларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. XIX аср Хоразм тарихида алоҳида ўринни эгаллади. Бу давр зиддиятларга, сиёсий воқеаларга тўла бўлиб, бир томондан хонликларнинг ўзаро курашлари, бу ўлкани Россия томонидан босиб олиниши бўлса, иккинчи томондан амалдорлар, йирик мулк эгалари томонидан оддий халқнинг шафқатсиз эзилиши, деспотизм, жабр-зулм, ситам, ўзбошимчалик ва зўравонликнинг кучайиши, золим фалак шоиру фузало, зиёлидан тортиб халқнинг қути табақасини аямаганлиги билан изоҳланади.

2. Халқнинг оғир турмуши, адолатсизлик, ноҳақлик, юқори тоифага мансуб оқсуякларнинг бойлиқка ҳирс қўйиши, бунинг натижасида халқ турмушининг ёмонлашуви ўша давр илғор кишилари, соғлом фикрловчи зиёлиларни бундай аянчли ахволдан халос бўлиш йўлларини қидиришга олиб келди. Бунинг натижаси ўлароқ, халқнинг маданий меросга бўлган қизиқиши, Низомий, Саъдий, Замахшарий, Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Жомий, Навоий, Ҳусайн Кошифий, Машраб, Бедил, Фузулий ва бошқаларнинг бадиий, илмий, диний-ирфоний ва ижтимоий-ахлоқий асарларини ўрганиш кучайди. Энг муҳими, халқ оммаси онгининг ошиб бориши, ўзлигини англаши, ўтмиши ва тарихини ўрганишга интилишибу даврнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Масаланинг таҳлилидан маълум бўлдики, XIX асрда яшаб ўтган маърифатпарварлар Мунис, Оғаҳий, Комил Хоразмий, Табибий ва Аваз Ўтарларнинг бу даврдаги халқ ахволи, турмуши, хаёт кечириш холатини ўз асарларида очиб берганликларининг хоразм жадидчилик ҳаракатининг юзага келишига таъсири фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган.

3. Мазлум халқ турмушининг кескин ёмонлашуви, очарчилик ва камбағалликнинг оммавий тус олиши илм, маърифатга бўлган талабни кучайишига олиб келди. Шоирлар мамлактни ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий қолоқлиқдан чиқариш учун жамиятда маърифатни тарғиб ва ташвиқ қилдилар, жаҳолатни танқид қилдилар. Шу йўл билан халқни, жамиятни инсонпарварлаштиromoқчи бўлдилар. Хоразм маърифатпарварларининг халқни ёппасига илмга жалб қилиш, саводхон қилиб тарбиялаш тўғрисидаги ғоялари ўша даврда ва кейинги замонларда халқнинг онгини оширишда, мавжуд тузум ҳақида фикрининг ўзгаришида, дунёқарашининг ўсишида, жамиятдаги иллатларга қарши курашда муҳим ўринни эгаллади.

4. Шоирлар ўзларининг ғазал, рубоий, достонлари ва тарихий асарларида муҳим ижтимоий-ахлоқий масалаларни кўтариб чиқдилар. Улар нафсни жиловлаш, сахий ва саховатли, сабр-қаноатли ва адолатли бўлиш, яхшилик ва эзгулик каби ахлоқий тушунча ҳамда хулқ-одоб қоидалари ҳақидаги қимматли фикрларни илгари сурдилар. Нафсга берилиш, баҳиллик, фирибгарлик, ноинсофлик, таъмагирлик, амир ва зодагонларнинг очкўзлиги, бойлик ва мол-мулкка берилиши каби ярамас ҳатти-ҳаракатларини танқид қилиш - шоирлар ижодининг муҳим жиҳатини ташкил қиласиди.

5. Айниқса уларнинг адолат ва тенглик тушунчаси тўғрисидаги қарашлари ўша даврда ижобий рол ўйнади. Шоирлар инсон туғилгандан

ҳамма тeng бўлади, Худо олдида улар ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенгдир, деган фикрда турдилар. Уларни қўпроқ адолатнинг ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатлари қизиқтирилар. Шоирлар ўз асарларида ҳаммани адолатли бўлишга, жабр-зулм қилмасликка, инсофли ва диёнатли бўлишга даъват қилдилар. Улар ўз салафлари сингари шоҳлар, ҳукмдорларни одил бўлишга, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилишга, фуқароларга тeng муносабатда бўлишга, қатъиятли, ақлли, доно, билимдон, одамларнинг арз-додини эшитадиган шахс бўлишга ундадилар. Шоирлар гоҳ аллегорик тарзда, гоҳ пардали қилиб, золим, жоҳил ва фосиқ шоҳларнинг кирдикорларини, зўравонлигини, халққа зулм қилаётганини танқид қилдилар.

6. XIX асрда яшаган маърифатпарварларининг маърифатчилик, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари заминида бағрикенглик ётади. Маълумки, онга бағрикенглик ғоялари шаклланиши ва ривожланиши ҳар бир даврнинг ўзига хос тараққиёт даражалари, жамият ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлар ҳамда амалдаги ҳокимиятнинг олиб борадиган сиёсатига боғлиқ бўлади. У турли ижобий ғоялар ва уларнинг амалиётда намоён бўлиш жараёнлари билан боғлиқ бўла олади. Онг ҳам ана шу жараёнлар таъсирида ривожланади ва шаклланиб боради. Ана шу жиҳатдан караганимизда, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Табибий, Аваз Ўтар ва Феруз каби улкан шоирлар ҳаёти ва ижодий фаолияти, оддий инсонлар манфаатини кўзлаб амалга оширган ишларининг заминида бағрикенглик ғоялари турганлигини кўриш мумкин. Зоро, бағрикенглик нафакат ғоя, шунингдек, у ҳаёт, фаолият орқали намоён бўладиган маънавият ҳамдир. Бағрикенгликнинг илдизлари ана шу маънавиятга бориб тақалади. Онгимизда мавжуд бўладиган бағрикенглик ғоялари ана шу маънавиятдан баҳра олган, уларни ўзига сингдирган, десак тўғри бўлади. Бағрикенглик ғоялари ҳар доим ёвузлик устидан ғолиб келган. Чунки, унинг заминида оддий инсонлар, маърифатпарвар сиёсатчию давлат арбоблари, адабиёт, санъат арбоблари, олиму зукко назариётчиларнинг қарашлари умумхалқ манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эди.

7. Қадимий тамаддун марказларидан ҳисобланган Хоразм диёрида толерантлик, яъни бағрикенглик жараёнининг ривожланишида ўзбек мумтоз адабиёти ва тарихнавислигида буюк мерос қолдирган Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Табибий, Аваз Ўтар, ва бошқа бир қатор ижодкорлар асарларининг ўрни ҳам ниҳоятда катта бўлган эди. Улар ўз шеърларида, ҳалоллик, адолат, дўстлик, муҳаббат, тинчлик ва бошқа бир қатор ғояларни илгари сурган эдилар. Ўзларининг илғор ғоялари билан шоҳ ва гадони келишиши, шоҳларни оддий инсонларга эътиборли бўлишни, мамлакатни адолат тамойиллари асосида бошқаришни, муҳаббат инсон учун улуғ неъмат эканлигини, дўстлик ва ўзаро муносабатларда самимий бўлиши зарурлиги каби бағрикенгликнинг битмас-туганмас ғояларини илгари сурган эдилар. Жумладан, Огаҳий ўзиниг Ферузга бағишлаб ёзган “Манзумаи насиҳат” асарида салтанатни бошқаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатди, мамлакат ва

халқни адолат билан идора этиш йўлларини белгилаб беради. Огаҳийнинг фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун барча ижобий фазилатларга эга бўлиши лозим. Подшоҳ ҳимматли, шиҷоатли, адолатли, ғайратли, саховатли, ҳаёли, соғ ниятли, маданиятли, ҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур. Огаҳийнинг бу ғояларидан кўриниб турибдики, у давлатни бошқаришни адолат, маърифат, меҳр-шафқат каби умуминсоний ғоялари билан бирга бағрикенгликни илгари сурган.

**СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.02.02. ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  
**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

---

**АХМЕДОВА МАЪРИФАТ АБДУЛЛАЕВНА**

**СОЦИАЛЬНО-НРАВСТВЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ ХОРЕЗМСКИХ  
МЫСЛИТЕЛЕЙ XIX ВЕКА В ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ МЫШЛЕНИЯ**

**09.00.03 – история философии**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2019**

**Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером B2018.1.PhD/Fal160  
Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Докторская диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском) размещен на веб-странице (сайт СамГУ), а также по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

**Научный руководитель:**

**Атамуратов Садулла Атамуратович,**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Наврузова Гулчехра Негматовна**  
доктор философских наук, профессор

**Махмудова Гули Тилабовна**  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Каракалпакский государственный  
университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ час на заседании научного совета DSc.27.06.2017.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, бульвар Университетский, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) факультет истории Самаркандского государственного университета, 1 этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в центре Информационных ресурсов Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №\_\_\_\_). Адрес: 140104, город Самарканд, бульвар Университетский, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_\_\_ года.  
(протокол реестра №\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_\_\_ года).

**Б.О.Тураев**

Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д. филос. н., профессор.

**Х.А.Джуракулов**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философии(PhD) по филос.н.

**К.Н.Назаров**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению ученых  
степеней, д. филос. н., профессор.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом масштабе в современных условиях глобализации актуальное значение приобретает эффективное использование гуманистических идей при устранении деструктивных факторов, оказывающих негативное влияние на духовность молодежи. В связи с этим коренные изменения в духовной жизни человечества обусловливают потребность создания новых идеино-философских парадигм. Концептуальные идеи занимающих важное место в мировой цивилизации ученых прошлого, содержащие решение современных проблем, служат для предотвращения препятствующих прогрессу отрицательных недостатков, а также для научного обоснования духовной борьбы против них. Именно в этом смысле актуальное значение имеет исследование на основе новых научных критериев подхода мыслителей к межличностным отношениям, межнациональному согласию, приведенных в их произведениях.

В настоящее время существует проблема научно-теоретического исследования духовного наследия мыслителей для предотвращения деформационных факторов, возникших в мировом историко-философском развитии. В центре внимания мировой науки актуальным является вопрос о продуктивном использовании представляющих собой наследие предков научных, исторических и философских источников в совершенствующемся в научном плане религиозно-философском направлении. Несмотря на то, что богатое духовное наследие мыслителей оказывает положительное влияние на развитие науки и устойчивое развитие межкультурного общения, в некоторых странах конструктивные возможности народного просвещения, религиозно-философского и научного наследия используются не в полной мере. Это, в свою очередь, делает актуальной задачу исследования в развитии человеческого мышления социально-нравственных взглядов мыслителей.

Одной из важных задач сегодняшнего дня является всестороннее глубокое исследование научного духовного наследия великих мыслителей, его идеино-философских особенностей и его пропаганда в связи с тем, что это наследие является важным субъективным фактором формирования свободного мировоззрения подрастающего поколения нашей страны, защиты его чуждых идей. Поэтому “соблюдая традиции наших мудрых предков, глубоко осознав их идеи, осуществляем решительные реформы, идем по пути формирования нового облика нашей страны”<sup>1</sup>. С этой точки зрения объективной необходимостью является повышения эффективности реформ в духовно-просветительской сфере и поднятие на качественно новый уровень деятельность в данном направлении, изучение социально-нравственных взглядов хорезмских мыслителей XIX века.

---

<sup>1</sup> Выступление Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).

Данная диссертационная работа в определенной мере служит для претворения в жизнь задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3160 от 28 июля 2017 года “О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и развития сферы”, а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к научно и педагогической сфере деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике I. “Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации”.

